

МУҲИМ ФАКТ №6

Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар

03.07.2026й.

1.	ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ	
	Тўлик:	"O'zsanoateksport" aksiyadorlik jamiyati
	Қисқартирилган:	"O'zsanoateksport" AJ
2.	Биржа тикерининг номи:	Йўқ
	АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ	
	Жойлашган ери:	Ташкент, М.Улугбек тумани, Мустакиллик шоҳ кўчаси, 107 уй
	Почта манзили:	Ташкент, М.Улугбек тумани, Мустакиллик шоҳ кўчаси, 107 уй
	Электрон почта манзили:	info@use.uz
3.	Расмий веб-сайти:	www.use.uz
	МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ	
	Муҳим фактнинг рақами:	06
	Муҳим фактнинг номи:	Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар
	Умумий йиғилиш тури:	Акциядорларнинг навбатдаги йиғилиши
	Умумий йиғилиш ўтказиш санаси:	24.06.2026й.
	Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана:	02.07.2026й.
	Умумий йиғилиш ўтказилган жой:	Ташкент, Мирзо Улугбек тумани, Мустакиллик шоҳ кўчаси, 107 уй
	Умумий йиғилиш кворуми:	72,81

№	Овоз беришга қўйилган масалалар	Овоз бериш яқунлари					
		ёқлаш		қарши		Бетарафлар	
		%	сони	%	сони	%	сони
1	“O'zsanoateksport” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш	100,0	54 609 175 928	0	0	0	0
2	“O'zsanoateksport” АЖ акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилишининг санок комиссиясининг сон ва шахсий таркибини тасдиқлаш	100,0	54 609 175 928	0	0	0	0
3	“O'zsanoateksport” АЖ Бошқарув раисининг Жамият 2025 йил яқунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолияти, Бизнес-режаси ва самарадорликнинг асосий ва қўшимча кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш	100,0	54 609 175 928	0	0	0	0
4	“O'zsanoateksport” АЖнинг 2025 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича “EXPERT-AUDIT” ХК аудиторлик ташкилотининг ҳулосасини кўриб чиқиш.	100,0	54 609 175 928	0	0	0	0
5	“O'zsanoateksport” АЖнинг 2025 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш	100,0	54 609 175 928	0	0	0	0
6	“O'zsanoateksport” АЖда 2025 йил учун корпоратив бошқарув тизими баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш	100,0	54 609 175 928	0	0	0	0
7	“O'zsanoateksport” АЖнинг 2025 йил учун соф фойдасини тақсимлаш, дивидендлар миқдори, уларни тўлаш шакли ва тартибини тасдиқлаш	100,0	54 609 175 928	0	0	0	0
8	“O'zsanoateksport” АЖ Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш:	100,0	54 609 175 928	0	0	0	0

	- Атаханова Хилола Матякубовна – “Enter steel” МЧЖ департамент раҳбари.						
9	“O‘zsanoateksport” АЖ Бошқарув раиси ва Директорлари билан 3 йил муддатга тузилган шартномаларни қайта кўриб чиқиш ва “O‘zsanoateksport” АЖ Бошқарув аъзолари таркибини тасдиқлаш тўғрисида.	100,0	54 609 175 928	0	0	0	0
10	“O‘zsanoateksport” АЖнинг 2026 йил учун Бизнес режасини тасдиқлаш	100,0	54 609 175 928	0	0	0	0
11	“O‘zsanoateksport” АЖга тегишли носоҳавий активлар фаолияти тўғрисида ҳисоботни тинглаш.	12,29	6 707 535 320	87,71	47 901 640 608		
12	“O‘zsanoateksport” Акциядорлик жамиятига “Uzprommashimpeks” АЖ ва “Markazsanoateksport” АЖлари кўшилиши натижасида ҳосил бўлган зарарларни камайтириш тўғрисида.	100,0	54 609 175 928				
13	“O‘zsanoateksport” АЖ ижроия органи аъзоларни 2025 йил якунлари бўйича мукофотлаш	100,0	54 609 175 928	0	0	0	0

№	Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:
1	“O‘zsanoateksport” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин: Акциядорларнинг умумий йиғилишининг умумий вақти 1:20 дақиқа, кун тартибидаги маърузалар ва муҳокамаларнинг давомийлиги: - асосий маърузачилар учун - 10 дақиқадан; - кун тартибидаги бошқа масалалар бўйича чиқишлар учун - 5 дақиқадан.
2	Қуйидаги таркибда ҳисоб комиссияси таркиби тасдиқлансин: 1. Хикматуллаева Дина Минисалиховна - “O‘zsanoateksport” АЖ Бухгалтерия ҳисоби ва валюта ҳисоб-китоби бўлими бошлиғи ўринбосари. 2. Раҳматов Дилшоджон Эшмўмин ўғли - “O‘zsanoateksport” АЖ Стратегик режалаштириш ва акциядорлар билан корпоратив алоқалар бўлими етакчи мутахассиси. 3. Камалбекова Захро Магдиевна - “O‘zsanoateksport” АЖ Ташқи харидлар ва халқаро транспорт хизматларини ташкил этиш бўлими бош мутахассиси.
3	1. “O‘zsanoateksport” АЖ Бошқарув раисининг Жамият 2025 йил якунлари бўйича молиявий-хўжалик фаолияти, Бизнес-режаси ва самарадорликнинг асосий ва қўшимча кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин. 2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли қарорига мувофиқ, “O‘zsanoateksport” АЖ ижроия органи фаолияти “юқори даражада” деб тан олинсин.
4	Жамиятнинг 2025 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича “Expert-Audit” ХК аудиторлик ташкилотининг хулосаси тасдиқлансин.
5	1. “O‘zsanoateksport” АЖнинг 2025 йил учун йиллик ҳисоботи тасдиқлансин. 2. Йиллик ҳисоботни белгиланган тартибда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида жойлаштириш орқали ошкор этилсин.
6	2025 йил натижалари бўйича жамиятдаги корпоратив бошқарувни тизимини мустақил баҳолаш натижалари бўйича “Expert-Audit” ХК аудиторлик ташкилотининг хулосаси тасдиқлансин.
7	1. “O‘zsanoateksport” АЖнинг 2025 йил якуни бўйича олинган 622 482 365,08 сўм миқдоридаги соф фойдасини қуйидаги тартибда тақсимлансин: - 50% ёки 311 241 182,54 сўмни дивидендга йўналтириш (311 241 182,54 / 75 000 704 389 дона акция = 0,0041 сўм 1 дона акция учун), шу жумладан давлат улуши бўйича 198 784 309,52 сўм; - 5% ёки 31 124 118,25 сўмни “O‘zsanoateksport” АЖнинг захира фондини шакллантириш учун; - 1% ёки 6 224 823,65 сўмни “O‘zsanoateksport” АЖнинг “Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғарма”сига йўналтириш;

	- 44% ёки 273 892 240,63 сўмни, келгуси давр харажатларида акс этган 12 341 989 000 сўм миқдоридagi қопланмаган харажатларни қисман қоплашга йўналтириш; 2. Дивидендларни тўлаш Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ёки инвестиция воситачилари орқали акциядорнинг мавжуд банк ҳисобварағига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда автоматик равишда амалга оширилсин. 3. Тўлов муддати, тўлов бошланиши - акциядорлар умумий йиғилиши баённомаси имзолангандан кейин, тугаши - қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кундан кечиктирилмасин.
8	1. Кузатув кенгаши аъзоси Б.О.Облоқуловнинг Кузатув кенгаши аъзолари таркибидан муддатидан аввал чиқариш бўйича аризаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг “O‘zsanoateksport” АЖ Кузатув кенгаши таркибига номзодлар киритиш бўйича 2026 йил 11 июндаги 02/9.2-17/470-сонли хати инобатга олинсин. 2. Овоз бериш натижаларидан келиб чиққан ҳолда амалдаги кузатув кенгаши таркибида бўлган Облоқулов Бобомурод Обидович ўрнига Жамият Кузатув кенгашининг таркиби қуйидагича тасдиқлансин: - Атаханова Хилола Матякубовна – “Enter steel” МЧЖ департамент раҳбари.
9	Жамиятнинг қуйидаги тартибдаги Бошқарув раиси ва Директорлари билан уч (3) йил муддатга меҳнат шартномалари тузилсин, яъни: - Бошқарув раиси вазифасини бажарувчи - Намазов Бахтиёр Хайруллаевич; - Молия ва режалаштириш бўйича Директор вазифасини бажарувчи - Юлдашов Элбек Дилмуродович; - Ташқи иқтисодий алоқалар бўйича Директор вазифасини вақтинча бажарувчи - Хабиева Айнура Фаридовна.
10	1. “O‘zsanoateksport” АЖнинг 2026 йилга мўжалланган Бизнес-режаси тасдиқлансин. 2. Жамият Бошқарувига “O‘zsanoateksport” АЖнинг 2026 йилга мўлжалланган Бизнес-режа кўрсаткичлари сўзсиз бажариш вазифаси юклатилсин.
11	Ушбу масала акциядорларнинг кўпчилиги овозини ҳисобга олиб акциядорлар томонидан тасдиқланмади.
12	Қопланмаган зарарни 2026-2028 йиллар давомида Жамиятнинг бошқа даромадлари ҳисобидан ҳосил бўлган фойдадан қоплаш таклифи тасдиқлансин.
13	1. “O‘zsanoateksport” АЖ ижроия органи аъзоларини 2025 йил якунлари бўйича қуйидагича мукофотлансин, яъни: Бошқарув раиси – 8 681 029,7 сўм; Молия ва режалаштириш бўйича директор – 7 481 029,5 сўм; Ташқи иқтисодий алоқалар бўйича директор – 7 481 029,5 сўм; Юридик хизмат бошлиғи – 7 481 029,5 сўм. 2. Ижро органи раисига тўланадиган мукофот пули учун ижро органи аъзосига тўланадиган сумманинг 1,2 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда ошириш коэффициенти белгилансин.

Бошқарув раиси в.б.

Намазов Бахтиёр Хайруллаевич

Бош бухгалтер

Юлдашов Элбек Дилмуродович

**Веб-сайтда ахборот жойлаштирган
ваколатли шахс**

**Рахматов Дилшоджон Эшмўмин
ўғли**